

# ХАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 153326

Наманган ш.

“30” 09 2022 йил

Норин Сирдарё ИТХБ хузуридаги мелиоратив экспедиция (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) номидан Низом асосида иш кўрувчи Козоков Шухрат Дадаҳонович бир томондан, ва “Aziya Automatica” Масъулияти Чекланган Жамияти (бундан кейинги ўринларда Ижрочи деб юритилади), номидан директори Эргашев Бобомурод, низом асосида иш кўрувчи бошқа томондан, биргаликда “Тарафлар”, алоҳида эса “Тараф” деб аталувчилар ушбу шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш, Буюртмачи эса улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.  
1.2. Ушбу шартномага кўра Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар:

№	Ишхизматноми	Ўлчов бирлиги	Сони	Суммаси
1	Кудукларни таъмирлаш ва автоматлаштириш ишлари	Дона	56	712 800 000
Жами				712 800 000

кейинги ўринларда "Хизматлар" деб юритилади.

## II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Ижрочи қуидагиларга мажбур:

2.1.1. Хизматларни лозим даражада сифатли кўрсатиш;

2.1.2. Хизматларни тўлиқ миқдорда ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда кўрсатиш;

2.1.3. Агар Ижрочи Хизматлар кўрсатиш жараёнида кўрсатилган хизматлар натижасининг сифати ёмонлашувига олиб келган ушбу шартнома шартларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига кўра барча аниқланган камчиликларни 1 кун давомида бепул тузатиш;

2.1.4. Хизматларни шахсан ўзи кўрсатиш.

2.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

2.2.1. Хизматлар учун якуний ҳисоб-китобларни ушбу шартноманинг IIIбўлимида кўрсатилган нарх бўйича, кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзоланган пайтдан бошлаб 7 иш куни давомида амалга ошириш;

2.4. Буюртмачи қуидагиларга ҳақли:

2.4.1. исталган вактда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда кўрсатилаётган Хизматларнинг бориши ва сифатини текшириш;

2.4.2. далолатномани имзолашдан олдин исталган вактда, Буюртмачининг шартномани бажаришдан бош тортиши тўғрисидаги хабарнома олингунча кўрсатилган Хизматларнинг бир қисмига мутаносиб равишда белгиланган нархни Ижрочига тўлаган ҳолда ушбу шартномани бажаришдан бош тортиш.

### **III. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ**

3.1. Ушбу шартноманинг нархи Энг яхши таклифларни танлаш орқали электрон давлат харидлари порталининг (<https://etender.uzex.uz/>) ғолиблик баённомаси натижасида ғолиб томонидан Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади баённома мазкур шартномага илова қилинади.

3.1.1. Ижрочига тўланадиган ҳак: **712 800 000** (етти ўн икки миллион саккиз юз минг) сўм миқдорининг **30%** фоизи **213 840 000** (икки юз ўн уч миллион саккиз юз кирк минг) сўм маблағ олдиндан тўлаб берилади.

3.1.2 Колган 70% фоизи **498 960 000** (**турт юз туксон саккиз миллион туккиз юз олтмиш минг**) сўмни ҳисоб фактура жунатилгандан сунг тулаб берилади

3.1.3. Ушбу шартнома бўйича умумий сумма **712 800 000** (етти ун икки миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи томонидан бажарилган Хизматларга ҳак тўланиши пул маблағларини Ижрочининг ушбу шартноманинг 2.2.1-бандида кўрсатилган муддатда ҳисобварағига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган Хизматларни бажариш муддатини бузганлиги учун Буюртмачига ушбу шартнома умумий суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлади.

4.2. Тарафларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ қўлланилади.

4.3. Неустойка тўлаш Тарафларни ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан ва бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

### **V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда Тарафлар келишмовчиликларни судгача тартибга солишининг конун хужжатларида назарда тутилган тартиботини амалга оширганларидан сўнг уларни кўриб чиқиш учун Наманган туманлараро иқтисодий судига топширадилар.

### **VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзgartiriш ва қўшимчалар, агар уларёзма шаклда тузилган ҳамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳакиқийdir. Ушбу шартномага иловалар унинг ажralmas қисмини ташкил этади.

6.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха бир хил кучга эга. Ҳар бир Тарафга ушбу шартноманинг бир нусхаси берилади.

6.3. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва тегишли разнацилик бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилган заҳоти кучга киради ва **2022 йил “31”декабргача** амал қиласи.

6.4. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

## **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚҰШИМЧА ШАРТЛАР**

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сүнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши құшимча шартларда белгиланган коррупциянинг оддини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир килиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказиша битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, хукуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидааги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб

қилиш; - уларга қонунчиллик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳак микдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслиқ.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиқ ўтказилмаслигини кафолатладилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қимматега тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳакли.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БОШҚА РЕКВИЗИТЛАРИ:

<p><b>Буюртмачи</b> <b>Норин Сирдарё ИТХБ</b> ҳузуридаги мелиоратив экспедиция</p> <p>Манзил: Наманган шаҳар Ҳамроҳ кўча 68-йй Тел.: 93 776 62 90</p> <p>ИНН: 200 055 646</p> <p>ШХВ №: 100021860144017042402170005</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги</p> <p>ИНН: 201122919 МФО 00014</p> <p>Х/Р № 23402000300100001010</p> <p>Банк: Марказий банк Тошкент ш.ХХКМ</p> <p>Бошлик:  Юрист: </p> <p>Ш.Қозоков Б.Тожибоев</p> 	<p><b>Ижрочи</b> <b>«Aziya Automatica» МЧЖ</b></p> <p>Манзил: Андижон в. Олтинкул т. Узун кўча Тел: 99 099 80 90</p> <p>P/C: 20208 000 705 323 025 001</p> <p>МФО: 00401 ИНН: 308040539</p> <p>БАНК:АТ Алокабанк</p> <p>Андижонский филиал</p> <p>Директор:  Б.Эргашев</p> 
---	---

**Наманган вилоятида қузатув қудукларини таъмирлаш ва автоматлаштириш  
ишларини бажариш бўйича тузилган шартнома юзасидан**

**ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

2022 йил 29 Сентябрь

Наманган шахри

“Азия автоматика” маъсулияти чекланган жамияти билан Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Мелиоратив экспедиция ўртасидаги Наманган вилоятида қузатув қудукларини таъмирлаш ва автоматлаштириш ишларини бажариш бўйича 03.10.2022 йилда тузилган 153326-сонли шартнома Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланган бўлиб, шартнома шартлари, хусусан тарафларнинг хукуқ мажбуриятлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш ва форс-мажор ҳолатлари амалдаги Қонунчилик талабларига мос келади.

**Норин-Сирдарё ИТҲБ хузуридаги  
Мелиоратив Экспедиция хукуқшуноси:**

**Б.Тожибоев**

## MUHOKAMA AXBOROTI

“30” 09 2022 yil

Namangan.sh

Namangan viloyati hududidagi **Норин Сирдарё ИТХБ** хузуридаги мелиоратив экспедиция tashkiloti tomonidan 2022-yil “28” sentyabrdagi №153326-sonli lotga asosan O’zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi 684-sonli “Davlat xaridlari to‘g‘risi”dagi qonuni 56 va 58 – moddalari talablaridan kelib chiqib eng yaxshi takliflarni tanlash turi bo‘yicha Namangan viloyati tumanlarida kuzatuv quduqlarini ta‘mirlash tiklash hamda avtomatlashtirish uchun xaridlar amalga oshirilishi rejalashtirilgan. Shunga asosan belgilangan muddatlar asosida O’zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi 684-sonli “Davlat xaridlari to‘g‘risi”dagi qonuni 60 va 61- moddalari talablaridan kelib chiqib tanlov savdolari o‘tkazildi. Mazkur tanlov savdolari yakuni bo‘yicha Aziya Automatica MCHJ tomonidan berilgan takliflar komissiya a’zolari ishtirokidan eng maqbuli deb topildi. Ushbu tanlov jarayonlari bo‘yicha rasmiylashtirilgan bayonnomalar “Davlat xaridlari to‘g‘risi”dagi qonunni 62-moddasiga asosan davlat buyurtmachisi tomonidan u rasmiylashtirilgan kunda davlat xaridlarining elektron tizimiga muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirildi. Shunga asosan ikki ish kuni ichida tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlash o‘tkazish natijalari bo‘yicha e’tirozlar kelib tushmadi. Yuqoridagi xolatlardan kelib chiqib, davlat buyurtmachisi va xarid komissiyasi tomonidan g‘olib deb topilgan ishtirokchi o‘rtasida shartnomaga tuzilishi mumkin xisoblanishi belgilab olindi. Muhokama uchun belgilangan muddat tugaganidan keyin kelib tushgan e’tirozlar xarid komissiyasi tomonidan ko‘rib chiqilmaydi.

**Норин Сирдарё ИТХБ**

**хузуридаги мелиоратив**

**экспедиция direktori:**

Sh.Qozoqov

**Loyixa va tanlov xujjatlarini**

**tayyorlash bo‘limi mutahassisisi:**



I. Aksabob